

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

### Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллигига

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси, жамоатчи экспертими Олия Туйғуновна Юнусова фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг аҳамияти тўғрисида ўз фикрларини газетхонлар билан ўртоқлашди.

## ҲАР БИР МУРОЖААТДА - ИНСОННИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ ВА МАНФААТИ АКС ЭТГАН

Ўйлашимча, «Норма маслаҳатчи» ҳамда «Солиқ ва божхона хабарлари» газеталари таҳририятларига, уларда чоп этилаётган материалларнинг долзарблиги боис, почта орқали ҳам, виртуал тарзда кўпдан-кўп мурожаатлар келиб тушса керак. Бу нормал ҳол, зеро кишилар ўз фикрлари, мулоҳазаларини билдиришга, долзарб муаммоларни баҳам кўришга интиладилар. Айтиш мумкин, бу қонунчилигимизда барча мурожаатлар мазмунига кўра аризалар, таклифлар ва шикоятларга бўлинади. Бу эса кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳолати билан боғлиқ.

Фуқароларимиз ўз мурожаатларини юборар эканлар, нафақат хат-хабарлар ёзиш билан чекланиб қолмай, балки электрон почта, факсимил алоқа ва шахсан раҳбар қабулига келиш имкониятидан етарлича самара билан фойдаланмоқдалар.

Республикада давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг хоҳиш-истак билдиришларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакат Конституциясида мустақамланишича, **давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида жавобгарлар; ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.** Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.



Ҳеч ким бежиз мурожаат қилмайди. Улар ортида инсонларнинг муаммолари, хоҳиш-истаги ва манфаатлари ётади. Шу боис ҳар бир мурожаат қонун талаблари асосида ўрганилиши керак. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси таҳлилининг кўрсатишича, баъзи масъул ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликлар, шунингдек айрим мансабдор шахслар мурожаатларни кўриб чиқаётганда ушбу талабларнинг лозим даражада бажарилишини таъминламаяптилар.

Яқинда парламент Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этган илмий-амалий семинарда ушбу йўналишда мавжуд бўлган нуқсонлар таҳлил қилинди. Депутатлар, масъул ташкилотларнинг вакиллари ва мутахассислари, ОАВ ходимлари **фуқароларнинг**

**мурожаатларига тааллуқли қонун ҳужжатларининг бажарилиши ва ушбу ишни такомиллаштириш тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.**

Март ойидаёқ Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлатимиз раҳбари томонидан фуқароларнинг давлат органларига келиб тушаётган мурожаатлари, шикоятлари ва аризаларига бўлган муносабатга танқидий баҳо берилган эди. Ушбу ишда кўпинча сансалорлик, расмиятчиликка йўл қўйилаётганлиги, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмаётганлиги кўрсатиб ўтилган эди. Сессияда мурожаатларда кўтарилган масалаларни очиқ таҳлил қилиш, шунингдек мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш зарурлиги таъкидланганди.

Баъзан биз нимага фуқароларимиз «барча идораларга ёзадилар» дея таажубланамиз. Бироқ дахлдор мансабдор шахс мурожаатга эътибор бермаса, кейинги номалар энг юқори идорадан тортиб маҳаллагача бўлган манзилларга юборилишига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Семинарда Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ва асосий фаолият йўналишларидан бири фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлган бошқа давлат органларининг иши таҳлил қилинди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида адлия муассасаларига 7 565 мурожаат келиб тушди. Улардан 1 095 шикоят қондирилди, 2 216 таси бўйича тушунтиришлар берилди, 367 таси асоссиз деб топилди, 1 147 таси тегишли идора ва ташкилотларга

юборилди. Улар аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, шартнома шартларини бажариш, ер участкаларини ажратиш масалаларига, шунингдек судлар, солиқ органлари ва банк соҳаси фаолиятига дахлдор эди.

Фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриш ва уларни ҳал этиш жамиятда инсонга эътиборни кучайтиришда, шунингдек демократик тамойилларни қарор топтиришда катта роль ўйнайди. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда улар билан ишлаш тартиби ва қоидалари аниқ белгиланган.

Кўрсатилган Қонуннинг 24-моддасида фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилган. Ушбу моддага кўра фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Такрорланадиган ва қайта-қайта такрорлашга мажбур бўлинадиган мурожаатларни назарга илмаслик, номига жавоб юбориш ёки, бундан ҳам ёмони, киши ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилганлиги учун жазолаш, уни «иғвогар» деб эълон қилишга йўл қўйиб бўлмайди. **Қонуннинг 14-**

2-бетда

## КИЧИК БИЗНЕС УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

2012 йил 1 августдан бошлаб Президентнинг 18.07.2012 йилдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4455-сон ва 16.07.2012 йилдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4453-сон фармонларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун маъмурий тусдаги кўплаб рухсатнома ва келишувлар, молия-ҳўжалик операцияларини ўтказишга доир бир қатор талаблар бекор қилинди, давлат божи ставкалари ва маъмурий таомиллардан ўтиш муддатлари қисқартирилди, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитини ижобий ўзгартирадиган бошқа меъёрлар жорий этилди.

Мазкур меъёрлар асосида амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилляпти. Уларнинг энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

3-4-бетларда

### Юрист шарҳи



## ҲАР БИР МУРОЖААТДА - ИНСОННИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ ВА МАНФААТИ АКС ЭТГАН

**1-бетда** моддасига кўра фуқароларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўйбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этганликлари учун таъқиб қилиш ман этилади.

Мисол учун, ГФРда миллий парламентнинг куйи палатаси – Бундестагда иккинчи жаҳон урушидан кейин петициялар (мурожаатлар) бўйича кўмита тузилиб, муваффақият билан фаолият юритмоқда, кўмита мамлакатдаги барча фуқароларни келиб тушаётган шикоятларнинг сони ва хусусияти тўғрисида мунтазам хабардор қилибгина бормай, балки улар асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш, давлат ва жамият бошқарувини яхшилаш бўйича таклифлар ҳам тайёрлайди. Айтиш жоизки, мамлакатимизга ташриф буюрган немис депутатларнинг гувоҳлик беришича, ҳар йили Германия федерал парламенти ва ушбу мамлакатнинг ўлка (виллоят) парламентларига минглаб мурожаатлар келиб тушади ва улар диққат-эътибор билан ўрганилади ҳамда ҳулосалар чиқарилади. Демократияга йўналган давлатларнинг кўпчилигида шундай қилинади, демак, биз ҳам шундай қилишимиз керак.

Республика Бош прокуратурасининг маълумотларига кўра, юқорида кўрсатилган Қонун талаблари бажарилишининг жорий йил биринчи чорагида ўтказилган 68 текшируви чоғида муайян камчиликлар аниқланди. Натижада қабул қилинган гайриқонуний қарорларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида 11 протест, қонун бузилиши далилларини бартараф этиш учун 133 тақдимнома киритилди. 40 нафар мансабдор шахс қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйиб бўлмаслик тўғрисида расмий равишда огоҳлантирилди. 231 киши маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди. Ушбу йўналишдаги ишлар давом этапти – йил охирида мазкур муаммога қайтиб, қабул қилинган чора-

**35-модда.** Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт.

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси**  
(1992 йил 8 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси ўн иккинчи чақириғида қабул қилинган).

ларнинг таъсирини баҳолаш, натижаларни таҳлил қилиш мўлжалланган.

Мансабдор шахсларнинг фуқаролар ва жамият олдидagi масъулияти баъзи раҳбарларга ёқмаслиги кўзга ташланади. Айрим ташкилотларда фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш тизими мавжуд эмас ёки самарасиз ишлайди. Бундан ташқари, баъзи юқори органлар куйи бўғинларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш ишини етарлича назорат қилмаяптилар ёки уларга «панжа орасидан» қараяптилар.

Семинарда бундай камчиликлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминламасликка олиб келиши алоҳида таъкидланди. Шу сабабли масъул ташкилотларнинг аризаларни кўриб чиқиш ва шикоятларни ҳал этишга эътиборини кучайтириш, давлат органларида барча фуқаролар учун мурожаат қилишда тенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш зарур. Давлат ва жамиятни бошқаришда очиқ-ошкоралик тамойилини ҳаётга татбиқ этиш «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

**«Норма» газеталари бирлашган тахририяти» МЧЖ бош маслаҳатчиси Маъруф УСМОНОВ сўхбатлашди.**

Ўғлимни уйлантирмоқчимиз, бироқ маблаг етмаяпти. Бундай мақсадлар учун банкдан кредит олса бўладими? Ёш оила учун имтиёз борми?

Ф.Сатторова.  
Тошкент шахри.

## ТЎЙ УЧУН КРЕДИТ

– Тўй тантаналарини ўтказиш учун истеъмолат кредитини Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидан бирининг сиз яшайдиган жойдаги филиалдан олиш мумкин («Истеъмолат кредити тўғрисида»ги Қонун).

Одатда истеъмолат кредити суммаси 10 млн сўмдан ошмайди, у 3 йилгача муддатга берилади, фоиз ставкаси пул маблағларини қайтариш муддатига боғлиқ бўлади (тахминан йилига 14–18 фоиз). Шартнома бошқа жисмоний шахснинг кафиллиги, банк ёки суғурта компаниясининг кафолати билан таъминланиши мумкин. Фоиз ставкалари, кредит суммалари, қайтариш муддатлари ва кредит шартномасининг бошқа шартлари тўғрисида бевосита банк филиалига мурожаат қилиб батафсилроқ билиб олишингиз мумкин. Бироқ кредитни расмийлаштиришдан аввал турли банклар тақдим этаётган шартларни ўрганиш, улар банкка боғлиқ ҳолда фарқланиши ва кўпроқ ёки камроқ фойдали бўлиши мумкин.

Кредит олиш учун қарз оловчи куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак: кредит олишга ариза;

доимий пропискаси борлиги қайд этилган паспорт (муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари учун – ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматчининг гувоҳномаси), шунингдек яшаш жойидан маълумотнома;

охирги йилдаги иш ҳақи кўрсатилган ҳолда иш жойидан маълумотнома (хусусий тадбиркорлар учун – амал қилиш муддати кредит муддатидан кам бўлмаган патент) ёки бошқа хил даромад олинишини тасдиқлайдиган ҳужжат;

савдо ташкилотининг олди-сотди шартномаси (счёт-шартнома);

никоҳ гувоҳномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси (агар кредит ёш оила аъзосига расмийлаштирилса);

жисмоний шахснинг нотариал тасдиқланган кафиллиги (бунда кафилнинг тўлов қобилияти унинг камида 1 йиллик даврдаги даромадлари тўғрисида иш жойидан маълумотнома билан тасдиқланади) ёки мажбуриятни таъминлашнинг бошқа қўшимча кафолати (банк ёки суғурта компаниясининг кафолати, мулк гарови).

## Бевосита мулоқот

Ёш оилалар учун тўй харажатларига кредит бериш бўйича имтиёзлар назарда тутилмаган. Ёш оила – 30 ёшга тўлмаган, биринчи марта никоҳдан ўтган эр-хотин бўлиб, бундай оилага кредитлар тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан куйидаги имтиёзли шартлар асосида берилди (МБ бошқарувининг АВ томонидан 18.07.2007 йилда 1697-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомнинг 3-банди):

**оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлар бўйича** фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

**ипотека кредитлари** (уй-жойни сотиб олиш, қуриш, реконструкция қилиш) 3 йиллик имтиёзли давр билан, фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

**молиявий истеъмолат кредитлари** 6 ойлик имтиёзли давр билан, фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Кредит берилишидан мақсад Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш бўлганлиги сабабли, тўй ва бошқа оилавий тантаналар бундан мустасно, истеъмолат кредитини куйидагилар учун ҳам олиш мумкин:

маиший, компьютер техникаси, радио-ва электр аппаратурасини харид қилишга;

мебель ва бошқа уй-рўзғор буюмлари, турар жойларни жиҳозлаш ва янгилаш учун товарлар харид қилишга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги даволаш-профилактика муассасалари, курортлар, дам олиш уйларига йўлланмалар харид қилишга;

«GM-Uzbekistan» ОАЖ ишлаб чиқарган шахсий автомобилларни таъмирлашга.

**Римма СОЛОДОВНИКОВА,**  
эксперт-юристимиз.

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	24.08.2012	1	0,7854	1	0,9865	1	0,0247
Арманистон	24.08.2012	1	409,40	1	513,14	1	12,86
Беларусь	25.08.2012	1	8340,00	1	10450,00	1	262,00
Грузия	25.08.2012	1	1,6489	1	2,0654	1	5,1836
Қозоғистон	25.08.2012	1	148,86	1	186,66	1	4,68
Киргизистон	25.08.2012	1	46,6434	1	58,5141	1	1,4663
Латвия	27.08.2012	1	0,56	1	0,702804	1	0,0176
Литва	27.08.2012	1	2,7518	1	3,4528	10	8,6542
Молдова	24.08.2012	1	12,4808	1	15,6678	1	0,3938
Тожикистон	25.08.2012	1	4,7645	1	5,9657	1	0,1493
Ўзбекистон	22.08.2012	1	1917,64	1	2362,65	1	59,90
Украина	24.08.2012	100	799,30	100	1003,2814	10	2,5228
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

<b>УШБУ СОНДА:</b>	✓ <b>ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА</b>	– Консуллик йиғимлари тарифлари	<b>5-бет</b>
	– Ҳар бир мурожаатда – инсоннинг хоҳиш-иродаси ва манфаати акс этган	✓ <b>КАДРЛАР БЎЛИМИ</b>	
	– Тўй учун кредит	– Ўз вақтида дам олиш керак	
	✓ <b>ЮРИСТ ШАРҲИ</b>	– Масофадан туриб ишга кириш мумкин бўлади	<b>6-бет</b>
	– Кичик бизнес учун янги қулайликлар	✓ <b>БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР</b>	
	✓ <b>ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ</b>	– Ишбай ходимга нафақа берилганда	
– 16 ёшга тўлмаган бола учун паспорт	– Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ихтиёрий ўтиш мумкин	<b>7-бет</b>	
	✓ <b>БЕВОСИТА МУЛОҚОТ</b>	– Уч йил яшаган бўлишлари керак	<b>8-бет</b>

## Реклама

## МУЗЛАТКИЧ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ



Тошкент ш., Боғишамол кўч., 160  
Тел.: (+998 71) 234-34-75, 234-12-69  
235-11-30, 216-09-00, 217-09-57

**WWW.AZN.UZ**  
E-mail: azn@azn.uz  
маҳсулот сертификатланган

# КИЧИК БИЗНЕС УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

## ✓ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИГАЧА УСТАВ ФОНДИНИ ТЎЛАШ

1-бетда

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон) 14-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилишича, жамият давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида кўрсатилган, жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз ҳиссасининг камида 30%ини киритиши шарт.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (Президентнинг 24.05.2006 йилдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – ПҚ-357-сон Низом) 11-банди, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (ВМнинг 20.08.2003 йилдаги 357-сон қарорида 1-илова, бундан кейин – 357-сон Низом) 12-бандига биноан бозорлар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этиш чоғида, асосий ҳужжатлардан ташқари, устав фондидаги ўз улушининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилганидан камида 30%и киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (вақтинчалик жамловчи ҳисобрақамга пул маблағлари киритилганлиги ҳақида банк маълумотномаси, мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати, мол-мулкни топшириш қабул қилиш далолатномаси, киритилаётган мол-мулкка эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар) ҳам илова қилиниши лозим.

**Президентнинг ПҚ-4455-сон Фармони билан 2012 йил 1 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилишига қадар устав фондининг бир қисмини шакллантириш талаби бекор қилинди, бундан кредит ташкилотлари (банклар, кредит уюшмалари ва бошқалар) мустасно.** Кредит ташкилотларининг устав фондлари илгари белгиланган тартибда шакллантирилади.

Юқорида кўрсатилган талабнинг бекор қилиниши сабабли рўйхатдан ўтказувчи органга устав фондидаги ҳиссаларни тўлашга активлар киритилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этиш мажбурий эмас. Рўйхатдан ўтказувчи орган мазкур ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги боис хўжалик юритувчи субъектни рўйхатдан ўтказишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Муассислар ўз хоҳишларига қараб субъект рўйхатдан ўтказилишига ўз ҳиссаларининг бир қисмини киритиб, таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов ҳажми ва тартибини ўрнатишлари: пул маблағларини вақтинчалик жамғариш ҳисобрақамларига қайд этишлари (Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқнома<sup>1</sup> 15-банди, бундан кейин – 1948-сон Йўриқнома), мол-мулкни топшириш далолатномаларини имзолаган ҳолда топширишлари мумкин ва ҳоказо.

**Бунда муассислар ўз ҳиссаларининг бир қисмини рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилишларига ҳақли бўлишидан кейин киритишларидан қатъи назар, уларнинг таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фонди миқдорини хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида шакллантириш бўйича мажбуриятлари сақланади.**

Ўзгартиришлар:

ПҚ-357-сон Низомга – Президентнинг 8.08.2012 йилдаги ПҚ-1801-сон қарори билан;  
357-сон Низомга – ВМнинг 31.07.2012 йилдаги 232-сон қарори билан киритилган.

<sup>1</sup>МБ бошқарувининг АВ томонидан 27.04.2009 йилда 1948-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

<sup>2</sup>Давстатқўмининг АВ томонидан 2.08.2011 йилда 2251-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

<sup>3</sup>ЎзААА бош директорининг АВ томонидан 15.03.2004 йилда 1323-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

## Фирма номларини захирага олиш

ПҚ-357-сон Низом 8-бандининг учинчи хатбошиси, 357-сон Низом 15-бандининг бешинчи хатбошиси, Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг<sup>2</sup> (бундан кейин – 2251-сон Йўриқнома) 10, 11 ва 16-бандларига биноан фирма номини захирага олиш учун электрон талабномани олгач, статистика органлари 8 иш соатидан ошмаган муддатда уни кўриб чиқиб, уни қондирган тақдирда, фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритардилар.

**Президентнинг ПҚ-4455-сон Фармони билан 2012 йил 1 августдан бошлаб юқорида айtilган муддат икки барабар қисқартирилди: талабнома 4 иш соати мобайнида кўрилиши керак.** Бунда уни кўриб чиқиш муддати билан боғлиқ, статистика органлари олдида қўйилган аризаларни Интернет орқали куну тун қабул қилиши таъминлаш талаби ҳам назарда тутилган.

Ўзгартиришлар:

ПҚ-357-сон Низомга – Президентнинг 8.08.2012 йилдаги ПҚ-1801-сон қарори билан;  
357-сон Низомга – ВМнинг 31.07.2012 йилдаги 232-сон қарори билан;  
2251-сон Йўриқномага – Давлат статистика қўмитасининг АВ томонидан 31.07.2012 йилда 2251-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан киритилган.

? Талабнома статистика органларининг ишидан ташқари вақтда (кечкурун, тунда, дам олиш, байрам кунларида) келиб тушган тақдирда Президентнинг Фармони билан янги жорий этилган меъёрларни қай йўсинда жамликда амалга ошириш (сутканинг исталган вақтида аризани қабул қилиш – аризани 4 иш соати мобайнида кўриб чиқиш) масаласи юзага келади. 2251-сон Йўриқноманинг 10-бандига кўра фирма номини захирага олиш учун электрон талабнома олгач, статистика органларининг масъул ходимлари фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан мақбул фирма номини олиш учун зарур ҳаракатларни амалга оширишлари шарт. Кўрсатилган меъёрларни ҳисобга олган ҳолда статистика органларида масъул ходимларнинг куну тун бўлишларини таъминлаш керак ёки мазкур ҳаракатлар давлат органи ходимларининг иштирокисиз автоматик режимда амалга оширилиши керак. Акс ҳолда келиб тушган электрон талабнома кейинги иш кўни кўриб чиқилади.

## ✓ ТЕХНИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИНГ ОЛИНИШИ

**357-сон Низомнинг 49-1-бандига кўра** тадбиркорлик субъектини газ, сув, иссиқлик, электр таъминоти, канализация коммунал-фойдаланиш хизматлари ва телефон алоқасининг муҳандислик коммуникацияларига улаш мақсадида техник шарт-шароитлар берилиши учун умумий 3 кунлик муддат белгиланган.

**Президентнинг ПҚ-4455-сон Фармони билан 2012 йил 1 августдан бошлаб «Сувоқава» худудий ишлаб**

чиқариш бошқармалари томонидан сув таъминоти ва канализацияга улашишга техник шарт-шароитларни бериш тўғрисида аризаларни кўриб чиқиш муддати 3 кундан 2 кунгача қисқартирилди. Мазкур муддат тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ҳамда бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи мурожаат қилганда қўлланади.

357-сон Низомга ўзгартиришлар ВМнинг 31.07.2012 йилдаги 232-сон қарори билан киритилган.

? Турли фойдаланиш ташкилотларининг коммуникацияларига улашишга техник шарт-шароитларни бериш тўғрисида мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари бўлинганлиги боис сув таъминоти ва канализация тизимларига улашишга рухсатномалар беришни рад этиш муддати, шунингдек рад этишнинг асосизлиги аниқланганда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан ҳужжатлар қайтарилган тақдирда аризани такроран кўриб чиқиш муддати хусусида келишувга эришмаслик ҳолати юзага келди. Мазкур муддатлар, аввалгидек, бошқа фойдаланиш ташкилотларида ҳам бўлганидек, 3 кунни ташкил этади.

Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш қоидаларининг<sup>3</sup> (бундан кейин – 1323-сон Қоидалар) 32-бандига мувофиқ телефон тармоғига улашиши таъминлаш ишларини бажариш муддатлари: техник имкониятлар мавжуд бўлганда – ариза берилган санадан бошлаб 30 кундан; техник имконият бўлмаганда аризачининг ҳисобига етишмайдиган алоқа линияларини ўрнатишни ҳисобга олган ҳолда – пудрат шартномаси тузилган санадан бошлаб 180 кундан ошмаслиги керак. Мазкур муддатлар аризачиларнинг барча тоифалари – жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан белгиланган.

**Президентнинг ПҚ-4455-сон Фармони билан 2012 йил 1 августдан бошлаб телекоммуникациялар оператори томонидан тадбиркорлик субъектларини телефон тармоғига улашни таъминлаш ишлари бажарилишининг 10 кунлик чегараланган муддати белгиланган.** Яъни ариза берилган пайтдан бошлаб мазкур муддат мобайнида юридик шахслар (тижорат ташкилотлари) ва яқка тартибдаги тадбиркорлар белгиланган тартибда телефон тармоғига улашишлари керак.

1323-сон Қоидаларга ўзгартиришлар ЎзААА бош директорининг АВ томонидан 31.07.2012 йилда 1323-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан киритилган.

## ✓ БАНҚДА ҲИСОБРАҚАМЛАР ОЧИЛИШИ

**357-сон Низом 57-бандининг тўртинчи хатбошиси, 1948-сон Йўриқноманинг 12, 14, 19, 21, 32 ва 33-бандларига мувофиқ** тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан юридик шахсларнинг филиал ва ваколатхоналари томонидан банкда депозит ҳисобрақамлари очилиши учун имзоларнинг намуналари ва муҳрнинг изи кўрсатилган ҳолда нотариал тасдиқланган карточкаларнинг 2 нусхасини тақдим этиш керак эди.

**Президентнинг ПҚ-4455-сон Фармони билан 2012 йил 1 августдан бошлаб банк ҳисобрақамларини очиш учун имзолар намуналарини нотариал тасдиқлаш тўғрисидаги талаб бекор қилинди.** Имзолар намуналари келтирилган карточка нусхаларини белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари имзолаб, асосий муҳр изини қўяди. Нотариуснинг тасдиқловчи устхати талаб қилинмайди. Фармон билан киритилган меъёр банкларда миллий

4-бетда

## Реклама



Электрон маълумотнома тизими

# КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.

Тел./факс: (998 71) 283-23-74.

E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

# КИЧИК БИЗНЕС УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

**3-бетда** ва хорижий валюталарда талаб қилиб олин- гунгача (асосий ва иккиламчи) депозит ҳисоб- рақамлари, омонат, муддатли ва бошқа депозит ҳисобрақамларни очганда татбиқ этилади.

## Ўзгартиришлар:

357-сон Низомга – ВМнинг 31.07.2012 йилдаги 232-сон қарори билан;

1948-сон Йўриқномага – МБ бошқарувининг АВ томонидан 31.07.2012 йилда 1948-7-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан киритилган.

\*\*\*

**357-сон** Низом 57-бандининг тўртинчи хатбоши, 1948-сон Йўриқноманинг 33-банди ва унга 3-илованинг умумий талабларига кўра карточка шаклида раҳбарнинг (биринчи имзо) ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув функцияларини амалга оширадиган шахснинг (иккинчи имзо) имзолари намуналари назарда тутилган.

**Президентнинг ПФ-4455-сон Фармони билан 2012 йил 1 августдан бошлаб бухгалтер иккинчи имзосининг намунасини кўрсатиш қисмида юқорида кўрсатилган талаб кичик тадбиркорлик субъектлари – микрофирмалар учун бекор қилинган.** Эслатиб ўтамай, юридик шахсни «микрофирмалар» тоифасига киритиш «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 5-моддаси биринчи қисмининг 2-банди билан белгиланган мезонлар ва ВМнинг «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида» қарори (11.10.2003 йилдаги 439-сон) билан белгиланган кўрсаткичларга мувофиқ амалга оширилади. **Микрофирмалар учун барча ҳолларда банк ҳисоб-рақамларини очишда карточкада иккинчи имзо намунасини кўрсатиш талаб қилинмайди.**

357-сон Низомга ўзгартиришлар ВМнинг 31.07.2012 йилдаги 232-сон қарори билан киритилган.

## ✓ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАНИНГ ШАКЛИНИ ЎЗГАРТИРИШ

Президентнинг 8.08.2012 йилдаги ПҚ-1801-сон қарори ва ВМнинг 31.07.2012 йилдаги 232-сон қарори билан, тегишинча, юридик шахс, яқка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахсни ташкил этмаган деҳқон хўжалигининг ариза-хабарнома ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризаси шакллари рўйхатдан ўтказилаётган субъект ёки унинг муассиси – юридик шахс рўйхатдан ўтказилиши пайтида ва аризачи жисмоний шахс – яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахсни ташкил этмаган деҳқон хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилишида **электрон манзилни кўрсатишини назарда тутадиган сатр кўшилди.** Мазкур сатрни тўлдириш мажбурий эмас: электрон почта манзили у мавжуд бўлса, аризачининг хоҳишига кўра кўрсатилади.

## ✓ ТЎЛОВЛАР СТАВКАЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШ

«Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонун (11.12.2003 йилдаги 562-II-сон) 6-моддасининг учинчи қисмига биноан электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказлари билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади. Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолият юритиши тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 26.09.2005 йилдаги 215-сон қарорига 2-илова) 15-бандига мувофиқ ЭРИ очик ва ёпиқ калитларини яратиш, ЭРИ калитини рўйхатга олиш ва ЭРИ калити сертификатини бериш бўйича хизматлар пулли ҳисобланади. Кўрсатиладиган пулли хизматлар таркиби ва қиймати белгиланган тартибда шартномавий асосда белгиланади.

Илгари электрон рақамли имзо калитини берганлик учун аризачилардан ДСҚ ҳузуридаги Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан энг кам иш ҳақининг 20%и ундирилган.

**Президентнинг ПФ-4455-сон Фармони билан 2012 йил 1 августдан бошлаб кўрсатилган тўлов миқдори 2 баравар пасайтирилди ва ЭКИХнинг 10%ини ташкил қилади (батафсилроқ жадвалда берилган).** Янгилик электрон рақамли имзоларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза билан мурожаат қиладиган барча тоифадаги хўжалик юритувчи субъектларга – юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга татбиқ этилади.

\*\*\*

**Ф**уқаролик кодекси (ФК) 488-моддасининг иккинчи қисми, Уй-жой кодекси 14-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар ўртасида, шунингдек юридик шахслар ўртасида тузилган турар жой бинолари ва хоналарининг олди-сотди шартномалари нотариал тасдиқланиши керак.

ФКнинг 480-моддасига кўра нотурар жой кўчмас мулкни сотиш шартномаси оддий ёзма шаклда тузилади. Қонунда уни мажбурий тарзда нотариал тасдиқлаш назарда тутилмаган. Бироқ тарафлар шартномани нотариал тасдиқлаш учун нотариусга мурожаат қилишга ҳақлилар.

Бинолар (хоналар) ва иншоотларнинг олди-сотди шартномаларини нотариал тасдиқлаш чоғида 1 кв. метр майдон учун энг кам иш ҳақининг 2%и миқдоридан давлат божи ставкаси назарда тутилган эди. **Президентнинг ПФ-4455-сон Фармони билан 2012 йил 1 августдан бошлаб у 2 баравар пасайтирилди ва 1 кв. метр майдон учун ЭКИХнинг 1%ини ташкил қилади (батафсилроқ жадвалда берилган).** Бунда ҳисоб-китоб қилиш базаси ва тартиби аввалги кўринишда сақланган: турар жойлар учун ставка уй-жой майдонидан, нотурар жойлар учун эса умумий майдондан келиб чиқиб ҳисобланади.

\*\*\*

**Ю**ридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш

учун хўжалик судларига бериладиган аризалардан давлат божи аризачидан (ёки қарздордан – давлат божини тўлашдан озод қилинган давлат органи томонидан ариза берилган тақдирда) энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан ундирилган эди. **Президентнинг ПФ-4455-сон Фармони билан 2012 йил 1 августдан бошлаб унинг миқдори 6 баравардан кўпга пасайтирилди ва ЭКИХнинг 3 баравари миқдоридан белгиланди.** Пасайтирилган ставка 2012 йил 1 августгача қўзғатилган, давлат божи қонун ҳужжатлари билан белгиланган асосларга кўра 2012 йил 1 августгача ундирилмаган (ариза қондирилганида уни қарздордан ундириш тўғрисида ариза берилганда аризачи – давлат органи давлат божини тўлашдан озод қилинган тақдирда) ишлар бўйича ҳам қўлланиши керак.

\*\*\*

**Д**авлат божи ставкалари (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган) 1-бандининг «а» кичик банди билан судга даъво аризалари берганлик учун тўланадиган давлат божи ставкаларининг ошиб борувчи шкаласи белгиланган: даъво баҳоси ошганда ставка ҳам кўпаяди. Ставкалар диапазони: даъво баҳосига боғлиқ ҳолда – 5%дан 20%гача. **Президентнинг ПФ-4455-сон Фармони билан 2012 йил 1 августдан бошлаб кредит ташкилотлари учун талаб қилинадиган суммадан қатъи назар давлат божининг ягона ставкаси – даъво баҳосининг 2%и ўрнатилган (батафсилроқ жадвалда берилган).** Янгилик даъвогарларнинг куйидаги тоифалари: банклар, кредит уюшмалари, ломбардлар, микрокредит ташкилотларига тааллуқли. Давлат божининг белгиланган 2 фоизлик ставкаси юқорида кўрсатилган субъектлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланмаган жисмоний шахсларга нисбатан, қарз (кредит) мажбуриятлари бўйича қарзни, шунингдек бошқа хил қарзларни ундириш тўғрисида даъволар тақдим этилганда қўлланади.

Давлат божи ставкаларига ўзгартиришлар ВМнинг 31.07.2012 йилдаги 232-сон қарори билан киритилган.

## ТЎЛОВ СТАВКАЛАРИДАГИ ЎЗГАРТИРИШЛАР ЖАДВАЛИ

Тўлов тури	Илгари амал қилган ставкалар	2012 йил 1 августдан эътибор қилинган ставкалар
Кредит ташкилотларининг фуқаролик ишлари бўйича судларга кредитлар, қарзлар ва бошқа қарзлар бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаларидан давлат божи	5% даъво баҳоси ЭКИХнинг 20 бараваригача бўлганда	даъво баҳосининг 2%и
	10% даъво баҳоси ЭКИХнинг 20 бараваридан 40 бараваригача бўлганда	
	15% даъво баҳоси ЭКИХнинг 40 бараваридан 80 бараваригача бўлганда	
	20% даъво баҳоси ЭКИХнинг 80 бараваридан кўп бўлганда	
Квартиралар (квартираларнинг бир қисми), шу жумладан хусусийлаштирилганлари, уй-жойлар (уй-жойларнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларнинг олди-сотди, алмаштириш, рента олиш, умрбод таъминлаш шарти билан бошқаларга бериш ва ҳада қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлаганлик учун давлат божи	1 кв. метр майдон учун ЭКИХнинг 2%и	1 кв. метр майдон учун ЭКИХнинг 1%и
Хўжалик судларига банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризаларни берганлик учун давлат божи	ЭКИХнинг 20 баравари	ЭКИХнинг 3 баравари
Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо калитларини берганлик учун тўлов	ЭКИХнинг 20%и	ЭКИХнинг 10%и

Артём МОКШИН,  
«Норма» эксперт юридик хизматининг раҳбари.

## Ахборот учун

### ЭРИ КАЛИТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ МАРКАЗИНИНГ ХИЗМАТЛАРИГА ТАРИФЛАР

№	Хизмат турлари	Тарифлар, сўм
1	ЭРИ калитининг бир сертификатини бериш	7 000
2	ЭРИ калитлари бир жуфтини (ёпиқ ва очик) тайёрлаш	1 700
3	ЭРИ калити эгасига ЭРИ калитидан фойдаланиш қондаларини ўргатиш	1 500
4	Қоғоз шаклидаги ЭРИ калити сертификатининг бир нусхасини бериш	1 500
5	Қоғоз шаклидаги электрон ҳужжат нусхасини тасдиқлаш	1 500
6	Электрон ҳужжатда ЭРИнинг ҳақиқийлигини расман тасдиқлаш	3 500
7	ЭРИ калити сертификатига ўзгартиришлар киритиш ёки ЭРИ калити сертификатини қайта расмийлаштириш	7 000
8	ЭРИ калити сертификатининг амал қилишини кейинги муддатга узайтириш (кўпи билан 2 марта узайтирилади)	7 000

## ЭСКИ ПАСПОРТ ВА ПРОПИСКА МАСАЛАСИ

**Амаким ҳозиргача собиқ Иттифоқ фуқароси паспортига эга, ҳар ярим йилда унинг вақтинча рўйхатдан ўтказилиш муддати узайтирилади. У республика ҳудудида қандай қилиб доимий пропискдан ўтиши мумкин?**

Ирина.



– Хорижий шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги низомга (Президентнинг 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармонида 2-илова) мувофиқ амакинги ўзи вақтинча яшаш жойидаги ички ишлар органларига мурожаат қилиши ва Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (ички ишлар вазирининг АВ томонидан 14.05.2012 йилда 2363-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган, бундан кейин – Йўриқнома) мувофиқ куйидаги ҳужжатларни қилиб олиши лозим:

– белгиланган шакл бўйича 2 нусхада ариза-анкета;

– чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

– уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), шунингдек уй-жой учун ҳужжатлар нусхалари;

– никоҳ тузилганлиги ёки фарзанд туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқ-

ланган нусхалари, зарур ҳолларда яқин қариндошининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

– хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ёки хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, консуллик муассасаси томонидан берилган, аввалги яшаш жойи бўйича судланмаганлиги тўғрисида маълумотнома (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлардан келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун);

– 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат;

– ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги ва расмийлаштирилганлиги учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Айни вақтда Президентнинг 23.12.1994 йилдаги ПФ-1027-сон Фармонида мувофиқ **собиқ Иттифоқ паспортларининг амал қилиш муддати 2000 йил 1 январда тугаганлигини** маълум қиламиз. Шунга биноан амакинги Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий бўлмаган ҳужжат бўйича яшаётган бўлиб чиқади, республикага келганда фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномаси олиш мақсадида ички ишлар органларига мурожаат қилиши керак эди.

Агар амакинги Ўзбекистон

ҳудудида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»-ги Қонун кучга кирган кунда, яъни 28.07.1992 йилда яшаган бўлса, унга нисбатан мазкур Қонун 4-моддаси амал қилади, унда айтилишича, қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, irqи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва сажиясидан қатъи назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқийган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу Қонун кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар».

Шу тариқа, **амакинги юқорида қайд этилган ҳужжатларни тақдим этиши зарур, республика ҳудудида доимий пропискага эга бўлганидан кейин унга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини бериш масаласи ҳал этилиши мумкин.**

10 йилгача муддатга паспорт берилди.

Паспортни расмийлаштириш учун ота-оналар доимий яшаш жойларидаги паспорт бўлинмасига мурожаат қилишлари ва хорижга чиқиш ҳолатини тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни (масалан, унинг номидан хорижга чиқилаётган ташкилот хати) тақдим этишлари керак. Паспорт 10 кун мобайнида берилиши лозим.

Шу муносабат билан 16 ёшга тўлмаган шахсларга хорижга чиқиш учун гувоҳномалар ҳозирги вақтда паспорт бўлинмаларида берилмаяпти, улар ўрнига биометрик паспортлар берилаяпти.

Сиз ўғлингизнинг доимий яшаш жойига қайтиши учун гувоҳнома муддатини узайтириш ёки уни олиш учун Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги Элчихонасига мурожаат қилишингиз лозим. Шундан сўнг биометрик паспорт олиш учун ички ишлар органларига мурожаат қилиш керак.

## 16 ЁШГА ТЎЛМАГАН БОЛА УЧУН ПАСПОРТ

**Вояга етмаган ўғлим Москвада яшайди ва ўқийди, таътилда Тошкентга келади. Мен унга болалар паспортини олиб бердим, унга кўра ўғлим Тошкентга келиб, Москвага қайтиб кетарди. Биометрик паспортлар жорий этилиши билан ўғлимнинг шахсан ҳозирлигисиз паспорт олишнинг имкони йўқ. Энди мен нима қилишим керак?**

**Ҳозир эски намунадаги болалар паспортини олиш мумкинми? Тошкентда прописка қилинган ўғлим қандай қилиб Тошкентга келиши мумкин?**

Владимир.



– Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳрида Паспорт тизими тўғрисида низомга ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатини бериш тартиби тўғрисидаги визомга (ВМнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарорига 1-илова) мувофиқ вояга етмаган болаларга (16 ёшгача) хориж-

га чиқаётганда **5 йилдан ошмайдиган муддатга** биометрик паспортлар расмийлаштирилади. Бунда паспортнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин уни ИИБнинг чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш паспорт бўлинмасига (бундан кейин – паспорт бўлинмаси) топшириш керак. Фавқулодда ҳолларда 15 ёшга тўлган болаларга республикадан ташқарига чиқиш пайтида

### Ахборот учун

## консуллик йиғимлари ТАРИФЛАРИ

### ПАСПОРТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ УЧУН консуллик йиғимлари

Консуллик амаллари номи	Консуллик йиғимлари
Хорижда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсга йўл ҳужжати бериш	25 АҚШ долл.
Хорижда тегишли ёшга етганда, шунингдек виза учун саҳифалар тугаши муносабати билан ёки йўқолганининг ўрнига Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини бериш (биометрик намунадаги паспорт эмас)	25 АҚШ долл.
Хорижда паспорт ва йўл ҳужжатини расмийлаштириш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик, муддат ўтган ҳар бир календарь йил учун	20 АҚШ доллари
Хорижда паспорт ва йўл ҳужжатини йўқотганлик учун	20 АҚШ долл.
Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг йўқолган паспорти ўрнига Ўзбекистонга қайтиш учун сертификатни расмийлаштириш	15 АҚШ долл.
Хорижда чиқиш учун рухсат берилиши қайд этилган стикерни расмийлаштириш	25 АҚШ долл.
Хорижда чиқиш учун илгари расмийлаштирилган рухсат берилиши қайд этилган стикерга бирор-бир ўзгартиришлар киритиш, шу жумладан болаларни қайд этиш	10 АҚШ долл.
Хорижда доимий яшаш учун қолдириш тўғрисида рухсат берилиши қайд этилган стикерни расмийлаштириш	100 АҚШ долл.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЧИҚИШ ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ УЧУН консуллик йиғимлари

Консуллик амаллари номи	Консуллик йиғимлари
Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини бериш (биометрик намунадаги паспорт эмас)	25 АҚШ долл.
Фуқароларга, шу жумладан 16 ёшга тўлмаган фуқароларга ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини бериш	25 АҚШ долл.
Паспорт ва йўл ҳужжатини расмийлаштиришга ўз вақтида мурожаат этмаганлик учун, муддат ўтган ҳар бир календарь йил учун	20 АҚШ доллари
Паспорт ва йўл ҳужжатини йўқотганлик учун	20 АҚШ долл.
Хорижда чиқиш учун рухсат берилиши қайд этилган стикерни расмийлаштириш	25 АҚШ долл.
Хорижда чиқиш, шу жумладан болаларни қайд этиш учун илгари расмийлаштирилган рухсат берилиши қайд этилган стикерга бирор-бир ўзгартиришлар киритиш	10 АҚШ долл.

### фуқаролик масалалари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш учун йиғимлар

Консуллик амаллари номи	Консуллик йиғимлари
Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида илтимосномаларни расмийлаштириш	40 АҚШ долл.

### консуллик амалларини бажарганда амалда қилинган харажатларни қоплашга йиғимлар

Амалда қилинган харажатларга куйидаги сарф-харажатлар киради: почта, телеграф, телефон, телекс, факсимил ва модем алоқа; ёзув-чизув товарларини харид қилиш; транспорт харажатлари; консуллик муассасалари ходимларини консуллик амалларини бажариш жойига хизмат сафарларига юбориш; шошилинч консуллик ишини бажариш; бланкалар, шу жумладан виза бланкасини харид қилиш ва тайёрлаш; бошқа харажатлар (мол-мулкни сақлаш, қидириш, сотиш ва ҳоказо).

Консуллик амаллари номи	Ҳақиқий харажатлар
Ўзбекистон Республикаси визасини расмийлаштириш	45 АҚШ долл.
Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини расмийлаштириш	20 АҚШ долл.
Фуқаролик билан боғлиқ масалалар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш	30 АҚШ долл.
Фуқароларни ҳисобга қабул қилиш	25 АҚШ долл.
Ҳужжатларни легаллаштириш ва нотариал амалларни бажариш	15 АҚШ долл.
Бошқа консуллик хизматлари	20 АҚШ долл.

ВМнинг 19.08.1993 йилдаги 423-сон қарорига 3-илова. Тахририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.

# ЎЗ ВАҚТИДА ДАМ ОЛИШ КЕРАК

2012 йилги таътилар жадвалига кўра мен 2007–2012 йилларнинг навбатдаги меҳнат таътиларини – 5 йил учун – олишим керак. Бироқ кўрсатилган даврлар учун фойдаланилмаган таътилар берилишига ариза берганимда раҳбарият менга фақат 3 йил – 2007–2010 йиллар учун таътил берди.

Юқори ташкилот юристи эса фақат бир йил учун таътидан фойдаланишни тавсия қилди, чунки Меҳнат кодексининг 140-моддасига мувофиқ ҳар йилги асосий таътилни муддати таътиларни қўшганда 48 иш кунидан ошмаслиги керак. Бунинг устига, юрист 2007–2010 йиллар учун таътил бериш тўғрисидаги буйруқни бекор қилишни таклиф этди.

Айтингчи, раҳбарият ва юристнинг ҳаракатлари тўғрими, мен 5 йил учун таътил ола оламанми?

Хурмат билан М.Ан.



– Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 133-моддасига мувофиқ ходимларга иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади. **Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим** (МК 143-моддасининг бешинчи қисми).

Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилни 12 иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим (МК 143-моддасининг олтинчи қисми).

Кўриниб турибдики, қонунчиликда ходимларга таътилар бериш қисмида иш берувчилар учун қатъий чекловлар белгиланган. Шундай бўлса-да, амалиётда ходимларда кўпинча бундан аввалги йиллар учун фойдаланилмаган меҳнат таътиллари йиғилиб қолади. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда **МК талабларини бузган иш берувчида ходимга ушбу таътиллари асл ҳолида бериш мажбурияти сақланади. У ходимга фойдаланилмаган таътил кунларининг бутун вақти учун муддати чекланмасдан пулли компенсация тўлашга ҳам ҳақли, бироқ бу меҳнат шартномаси бекор қилинганда амалга оширилади.** Ушбу мажбуриятни бажармаслик меҳнат қонунчилигини бузиш ҳисобланиб, бунинг учун иш берувчи маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бунда шуни таъкидлаб ўтамизки, ушбу таътилар «куйиб кетмайди» ва барибир ходимга тегишли бўлиб қолади. Гарчи иш берувчи шу тарзда меҳнат қонунчилигини доимий тарзда бузсада, ходим бундан азият чекмайди (МКнинг 133, 143, 144, 151, 152 ва 275-моддалари).

Айни шунда юридик хизмат ва ходимларнинг вакиллик органлари аралашши лозим.

Календарь йил мобайнида ходим турли иш йиллари учун бир нечта таътидан фойдаланиши мумкин. Бир жадвалда бир нечта таътилни бўлишига йўл қўйса

бўлади, чунки таътилар иш йиллари учун берилади, жадвал эса календарь йил учун тузилади.

Белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейин жадвал ходим ва иш берувчи учун мажбурийга айланади (МК 144-моддасининг биринчи қисми).

Жадвал нафақат иш берувчи меҳнат қонунчилиги талабларини бажара олиши ҳамда ишлаб чиқариш зарурати ва ходимларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан ходимларга таътил берилишини режалаштириши учун, балки таътил пулларини тўлашга тайёргарлик кўриши учун ҳам тузилади. МК 145-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланишича, агар ходим белгиланган муддатда таътилни бошланиш вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади. Натижада иш берувчи ходимларнинг кўпчилиги таътилга чиқадиган ва натижада меҳнатга ҳақ тўлаш фонди харажатлари кўпаядиган ёз ойларида шундай вазиятга тўқнаш келиши мумкин.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилни МКнинг 134-моддасида белгиланган энг оз муддатидан (15 иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин. Ушбу қоида бундан аввалги иш давлари учун таътиларга ҳам қўлланилади (МК 151-моддасининг иккинчи қисми). Агар фойдаланилмаган йиллик таътилар ҳар бирининг муддати 15 иш кунидан ошсагина ва фақат 15 иш кунидан ошадиган қисми учун иш берувчи пулли компенсация тўлашга ҳақлидир. Мисол учун, ходимга шартнома бўйича 24 кунлик (15 – асосий ва 9 – қўшимча) таътил белгиланган. Иш берувчи фойдаланилмаган қўшимча таътилни 9 кунини компенсациялаши мумкин.

Бундан ташқари, шуни ҳисобга олиш лозимки, МК 151-моддаси иккинчи қисмининг йиллик асосий таътил ва йиллик қўшимча таътиларнинг бир қисмини пуллик компенсация билан алмаштириш тўғрисидаги қоидалари ижтимоий таътиларнинг барча турлари-

га, шунингдек МКнинг 137 и 138-моддаларида назарда тутилган қўшимча таътилардан асли ҳолида фойдаланишга татбиқ этилмайди (МК 151-моддасининг учинчи қисми).

Таътиларни қўшганда йиллик таътилни муддати 48 иш кунидан ошиши мумкин эмаслиги тўғрисида МК 140-моддасига келсак, афсуски, ўз мурожаатингизда жавобимиз янада батафсил бўлиши учун, ташкилотингизнинг мулкчилик шаклини кўрсатмагансиз.

МК 140-моддасининг иккинчи қисмига кўра қонун ҳужжатлари билан белгиланган таътиларни қўшишнинг барча ҳолларида уларнинг умумий муддати 48 иш кунидан ошиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Таътил муддатини чеклаш фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган таътиларгагина (асосий ва қўшимча) тааллуқли эканлигига эътибор беринг (масалан, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 75-моддаси; «Конституциявий суд тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси; «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 50-моддаси). **Бинобарин, меҳнат таътилининг умумий муддати, агар унга корхонанинг ўз маблағларидан ҳақ тўланса, 48 иш кунидан кўпроқ ҳам бўлиши мумкин.**

Бу билан юқори ташкилот юристининг таътиларни қўшиш бўйича тавсиясини меҳнат қонунчилиги меъёрларига мувофиқ келмайдиган нотўғри тавсия деб ҳисоблайман.

Шу тариқа, йиллик меҳнат таътили олиш ҳуқуқи ходимга нафақат Меҳнат кодекси, балки Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан ҳам кафолатланиши ҳисобга олганда, агар ходим ўзининг иш давридаги бир неча йил учун таътил олиш ҳуқуқини амалга ошириш ниятида бўлса, фикримизча, иш берувчи ходимнинг ушбу талабини қондириши шарт. Чунки қонун ҳужжатларида бундан аввалги фойдаланилмаган таътилардан фойдаланиш муддатлари бўйича чеклашлар назарда тутилмаган.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,  
эксперт-юристимиз.

## Ҳамдўстликда

# МАСОФАДАН ТУРИБ ИШГА КИРИШ МУМКИН БЎЛАДИ

Россия ҳукумати Давлат думасига 2010 йилдан буён қўйиб қўйган, РФ Меҳнат кодексига ходимнинг масофадан туриб бандлиги тўғрисида тузатишларни киритди.

Улар иш берувчи билан ходим ўртасида электрон шаклда меҳнат шартномаси тузиш ва ишга кириш учун зарур ҳужжатларни масофадан туриб тақдим этиш ва иш берувчининг талаблари – ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномаси ва бошқалар билан танишиш имкониятини беради. Дарвоқе, иш берувчи шартнома тузилган кундан бошлаб уч кун мобайнида унинг тасдиқланган босма нусхасини почта орқали – хабарнома билан бирга буюртма хат юбориши шарт.


Бундан ташқари, тузатишлар ходимга хоҳишига кўра ишнинг масофали хусусияти тўғрисидаги маълумотларни меҳнат дафтарчасига киритмаслик имконини

беради. Унинг офисдан ёки ишлаб чиқариш майдончасидан ташқарида меҳнат қилганлигини меҳнат шартномаси ва уни бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг нусхалари ёрдамида тасдиқлаш мумкин бўлади. Ходим, дейилади ҳужжатда, ишни иш берувчи жойлашган жойдан ташқарида бажариши, шунингдек иш вақти ва дам олиш вақтини ўз хоҳишига қараб тақсимлаши мумкин. Қонун лойиҳасида таъкидланишича, меҳнат қонунчилигининг масофадаги ходимларга амал қилиши барча қолган ходимлар билан бўлганидек татбиқ этилади. Қонун лойиҳаси масофада меҳнат қилувчи ходим билан меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш чоғида кучайтирил-

ган малакали электрон имзодан фойдаланиш меъёрини киритади.

Ушбу тузатишларни қонун ҳужжатларини бугунги кун воқелиги билан мувофиқлаштириш зарурати тақозо этган. Бу ходимга ҳам (у масофадан туриб ишга кира олади, бу иш унинг меҳнат стажига киради), иш берувчига ҳам (у бошқа минтақалардан ходимларни пастроқ иш ҳақи бериб жалб эта олади) фойдалидир. Меҳнат ва иқтисодий таҳлил институти мутахассисларининг баҳолашларича, янги шароитларда ходимларнинг 10%га яқини қонуний асосларда масофада меҳнат қилади. Дарвоқе, янги таҳрирдаги РФ МКни қўллаш 3–5 йилдан кейин бошланади, чунки уни амалга ошириш технологик жиҳатдан мушкул.

Хорижий матбуот материалларидан.



# ИШБАЙ ХОДИМГА НАФАҚА БЕРИЛГАНДА

**Ишбай ҳақ олувчи ходим 2012 йил 9 июндан 15 июнга қадар касал бўлганлиги тўғрисида меҳнатга вақтинча қобилиятсизлик бўйича касаллик варақасини тақдим этди. Ходимнинг май ойидаги иш ҳақи 400 000 сўмни ташкил этади. Олдинги 12 ойдаги (2011 йил июнь–декабрь, 2012 йил январь–май) тўловлар суммаси куйидагиларни ташкил этади: мукофотлар – 190 000 сўм; хизмат соҳасини кенгайтириш бўйича қўшимча тўловлар 155 000 сўм. Ходимнинг иш ҳақиға фоизда тайинланган нафақанинг миқдори 100%ни ташкил этади. Корхонада 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган.**

**Бизнинг вазиятимизда меҳнатга вақтинча қобилиятсизлик бўйича нафақанинг миқдори ишбай ходимга қандай ҳисобланади ва бунда қандай солиқ оқибатлари вужудга келади?**

**Р. Турғунхўжаев.**  
Самарқанд вилояти.



– Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг (АВ томонидан 08.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 56-бандига асосан ишбай иш ҳақи олувчи ходимларга нафақа уларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ойнинг биринчи кунидан олдинги сўнги календарь ойидаги иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ойлик иш ҳақиға ҳисоблаб чиқарилган мукофотларнинг ўртача суммаси қўшиб ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган ойда ходим жадвалда белгиланган кунларда тўлиқ ишламаган бўлса, нафақа мазкур ойда ҳақиқий ишлаган кунлар учун тўланган иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Агар кўрсатилган ойда ходим иш ҳақи

олмаган бўлса (масалан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик туфайли), нафақа меҳнатга қобилиятсизлик ойидаги ҳақиқий ишланган кунлар учун иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Агар иш ҳақи асос қилиб олинадиган даврда ходим жадвал бўйича барча кунларда ишламаган бўлса, мазкур ойдаги мукофотнинг ўртача суммаси ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисобга олинади.

Нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи ушбу иш ҳақи олинган даврдаги жадвал бўйича барча иш кунлари сонига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунда иш ҳақи тақсимланадиган иш кунлари сонига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик кунлари, ҳомилдорлик ва туғиш

таътили, йиллик (асосий ва қўшимча) таътил, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллардаги ишдан озод этилган кунлар қўшилмайди.

Кунлик нафақа ўртача кунлик иш ҳақининг нафақа миқдорини белгилаш учун иш ҳақиға қўлланиладиган фоизи ҳисобидан аниқланади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик туфайли ишга келмаган иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Сизнинг ҳолатингизда касаллик варақаси бўйича вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақани тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи куйидагига тенг:

$400\,000\text{ сўм} + (155\,000\text{ сўм} + 190\,000\text{ сўм}) / 12 = 428\,750\text{ сўм}.$

Нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи ҳисобланган иш ҳақи суммасини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик рўй берган ойидаги барча иш кунларига бўлиш йўли билан аниқланади.

2012 йил июнь ойида белгиланган иш кунлари сони – 21.

Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи 20 416,67 сўмни (428 750 сўм / 21) ташкил этади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақани вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даврида ўтказиб юборилган

иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади ва у 102 083,35 сўмни (20 416,67 сўм x 5) ташкил этади.

Ҳисобланган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходимнинг жами даромади таркибига киритилади ва унга ўрнатилган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади (Солиқ кодексининг 171-моддаси), шунингдек, ушбу суммадан 1% фуқароларнинг ШЖБПҲга ажратмалар ҳам амалга оширилади.

Шуни қайд этиш керакки, ижтимоий сугуртага ажратмалар объекти меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (СКнинг 172, 173, 174, 175-моддаларида келтирилган) ҳисобланишини ҳисобга олган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадали жисмоний шахсларнинг куйидаги турдаги даромадларига ҳисоблаб ёзилмайди:

– СКнинг 176-моддасида кўрсатилган мулкӣ даромадларга;

– СКнинг 177-моддасида кўрсатилган моддий наф тарзидаги даромадларга;

– СКнинг 178-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг бошқа даромадларига.

Шу тариқа, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари жисмоний шахсларнинг бошқа даромадларига киритилади (СКнинг 178-моддаси), тегишинча уларга ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадали ҳисоблаб ёзилмайди.

## УМУМБЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚЛАРНИ ТўЛАШГА ИХТИЁРИЙ ўТИШ МУМКИН

**ЯСТ тўловчи корхона умумбелгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга ўтиши мумкинми, бунда қандай меъёрларга эътибор қаратиш лозим?**

**Сардорбек Раҳматуллаев,**  
кичик корхона директори.



– Ҳа, мумкин, фақат солиқ қонунчилиги иккита ҳолатда ЯСТ тўловчиларининг умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишини кўзда тутлади:

- корхонанинг ўз танлови бўйича ихтиёрий ўтиш;
- мажбурий тартибда, яъни ходимлари сони белгиланган мезонларга тўғри келмаганда.

Микрофирма ва кичик корхоналарнинг ходимлари сони мезони «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (25.05.2000 йилдаги 69-II-сон) 5-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарориди (11.10.2003 йилдаги 439-сон) белгиланган.

Шунингдек, корхоналарни кичик бизнес субъектлари қаторига киритиш учун куйидаги меъёрий ҳужжатларга таяниш мумкин:

2011 йил 1 июндан бошлаб Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (12.05.2011 йилдаги ПҚ-1529-сон) 1-иловасига асосан ходимларнинг йиллик ўртача сони 50 тадан 100 тагача оширилган кичик корхоналар ХХТУТ рўйхати кўрсатилган.

2012 йил 1 январдан бошлаб Президентнинг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорининг (30.12.2011 йилдаги ПҚ-1672-сон) 4-бандига асосан оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриёт ва босмаҳоналарни кичик корхоналар тоифасига киритиш чоғида улар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сони 50 нафардан 100 нафаргача оширилган.

Микрофирма ва кичик корхоналар ЯСТни тўлаш тизимидан ихтиёрий равишда воз кечиб, умумбелгиланган солиққа тортиш тизимига ўтишлари мумкин. Лекин бунда солиқ тўловчи томонидан ҳисобот даври (чора-

ги) тугаганидан кейин 10 кундан кечиктирмаган ҳолда кейинги ҳисобот даври (чораги) учун белгиланган шаклда солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ёзма равишда хабар берилиши керак.

Микрофирма ва кичик корхоналар йил давомида исталган чорак бошидан бошлаб ЯСТни тўлаш тизимидан ихтиёрий равишда воз кечиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин.

ЯСТни тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечиш ва умумбелгиланган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга ўтиш тўғрисидаги хабарнома солиқ органига 2 нусхада куйидаги муддатларга қадар тақдим этилади:

- 1 апрелдан бошлаб – 10 апрелга қадар
- 1 июлдан бошлаб – 10 июлга қадар
- 1 октябрдан бошлаб – 10 октябрга қадар
- 1 январдан бошлаб – 10 январга қадар

Шунга эътибор қаратиш лозимки, умумбелгиланган солиқларни тўлаш тизимига ўтишда агар ходимлар сони ушбу корхонани кичик корхоналар тоифасига киритиш учун белгиланган мезондан ошиб кетса, у ҳолда бундай корхона ўтган давр учун (корхона қайси даврдан бошлаб солиқ солиш тизимини ўзгартиришига боғлиқ равишда – 1 чорак, ярим йил, 9 ой) бюджет билан қайта ҳисоб-китобларни амалга ошириши керак.

Ҳисобот йили давомида ЯСТни тўлашдан ихтиёрий равишда умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишда корхона кичик корхоналар учун белгиланган мезонга тўғри келса, у ҳолда ходимлар сонидан келиб чиқиб, у кичик корхоналар разрядида қолади, бунда корхона ўтган давр учун ҳисоб-китобларни амалга оширмайди ва унда умумбелгиланган солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш тартибига ўтиш даврига қадар ЯСТни тўлаш бўйича мажбуриятлар сақлаб қолинади.

### Эълонлар

#### СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)\*.  
Тел.: 926-32-23.

#### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

«ASR ADVOKATI» адвокатлик бюроси куйидаги хизматларни кўрсатади: исталган мураккабликдаги ҳўжалик низолари, жиноят ишлари, дебиторлик қарзларини ундириш\*.

Тел.: (+99890) 989-19-07,  
(8371) 242-46-23.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш\*.

Тел.: 281-52-39,  
(+99890) 346-16-89.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр\*.

Тел. (+99890) 346-16-89.

#### ХИЗМАТЛАР

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топшириладиган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, созлаш.

Тел. 963-89-58.

Инвентаризация. Бухгалтерия ҳисоби. Кузатув. Таъсисчилар. Кўчмас мулк. Очиш. Тугатиш.

Тел. 806-28-46; факс 278-11-66.  
E-mail: 49koshelev@mail.ru

**ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ:** юридик, техник, тиббиётга оид матнларни таржима қилиш. Тасдиқлатиш. Легаллаштириш.

Тел.: 252-38-71, 808-79-76.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.

Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.

Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

\*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

**Жавобларни экспертизмиз Фуломжон ТўЛАГАНОВ тайёрлади.**

## УЧ ЙИЛ ЯШАГАН БЎЛИШЛАРИ КЕРАК

**Мен Тошкент вилоятида доимий пропискага эгаман, акам эса Тошкентда яшайди. У ўзининг квартирасини менга совға қилмоқчи. Битимни расмийлаштиришимизга рад жавоби берган нотариус ҳақлими? Эшитишимча, ҳокимлик ҳузуридаги махсус комиссиянинг рухсатномаси керак экан.**

Д.Раҳимова.

**– Ҳадя шартномасини тасдиқлашдан бош тортган нотариус ҳақли.**

Тошкент шаҳрида жойлашган турар жой, квартира, турар жой ёки квартира бир қисмини олди-сотди, алмаштириш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилиш битимларини нотариал тасдиқлаш, агар сотиб олувчи томон **Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган** жисмоний шахс бўлса, амалга оширилади (*Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг<sup>1</sup> 8-банди*).

Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги махсус комиссия томонидан Тошкент шаҳрида уй-жой сотиб олиш юзасидан илгари берилган рухсатномалар 2012 йил 15 мартгача амал қилган (*41-сон Қарорнинг 2-банди*).

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага<sup>2</sup> мувофиқ (*бундан кейин – Йўриқнома*) нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахснинг паспортдаги

доимий прописка тўғрисидаги штампни текширади ва 14.09.2011 йилдаги ЎРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати (*бундан кейин – Рўйхат*) 2, 5, 9–11-бандларига асосан олинган, яъни:

ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларининг;

Тошкентда яшовчи шахс билан никоҳни рўйхатдан ўтказганлик;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари)нинг – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга;

қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сай-

ланган фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари)нинг – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга;

давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассисларнинг тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари)нинг – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка борлиги тўғрисида ички ишлар органларининг маълумотномасини талаб қилиши шарт.

Бунда **мазкур шахслар Тошкент шаҳри ҳудудида паспортга доимий прописка тўғрисида штамп қўйилган санадан бошлаб 3 йил мобайнида доимий тарзда яшашлари керак** (*Йўриқноманинг 58-банди*).

Рўйхатнинг 8-бандида назарда тутилган, яъни илгари Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган фуқаролар – ўқишни, ишни, узоқ муддатли хизмат сафарини тугатганидан, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилганидан кейин доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига қайтиб келган фуқаролар уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиб олиш мақсадида нотариусга мурожаат қилганда, нотариус ички ишлар органларининг доимий прописка қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотномасини талаб қилади. Бунда ушбу маълумотнома нотариал идорага ички ишлар органларининг

расмий алоқа йўллари орқали келиб тушган бўлиши лозим (*Йўриқноманинг 58-2-банди*).

Ички ишлар органларининг маълумотномасини тақдим этиш ва Тошкент шаҳрида мажбурий тарзда 3 йил яшаш тўғрисидаги талаблар Рўйхатнинг 3, 4, 6, 12-бандларида кўрсатилган қуйидаги шахсларга татбиқ этилмайди:

васий (ҳомий) доимий прописка қилинган турар жой майдонига прописка қилинган ҳомийлик қилинувчиларга;

воёга етмаган, ота-онаси бўлмаган ака-ука ва опа-сингилларга, шунингдек ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингилларининг турар жой майдонига прописка қилинган, воёга етган меҳнатга лаёқатсиз ва ўз оиласига эга бўлмаган ака-ука ва опа-сингилларга;

Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган фуқароларга, улар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги бошқа манзилга доимий прописка қилиш масаласи бўйича мурожаат қилишган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини турар жой билан таъминлаш тартиби тўғрисида низомга (*Президентнинг 14.09.2007 йилдаги ПҚ-694-сон қарор билан тасдиқланган*) мувофиқ турар жой олган ҳарбий хизматчилар, шунингдек уларнинг оила аъзоларига.

Тошкент вилоятида турар жой билан битимларни расмийлаштириш чоғида давлат нотариуслари худди шундай шартларга риоя этишлари шарт, чунки у ерда фақат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган шахсларгина турар жой сотиб олишлари мумкин (*Йўриқноманинг 58-1-банди*).

**Римма СОЛОДОВНИКОВА,**  
эксперт-юристамиз.

## ЧЕКИШГА ҚАРШИ ЯНГИ ҚОНУН

**Австралияда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компаниялар учун янги қонун кучга кирди.**

Унга кўра, энди сигарет қутиларида компаниялар номи ва логотипи кўрсатилмайди. Мамлакатда савдога чиқарилаётган барча тамаки маҳсулотлари бир хил қадоқланган қутиларда ишлаб чиқарилади. Бироқ мазкур қонунга тамаки ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчилик қилаётган «British American Tobacco» ва «Philip Morris» корпорациялари эътироз билдирмоқда. Улар Австралия ҳукуматининг бу қарори савдо расталарида қалбаки маҳсулотлар кўпайишига сабаб бўлишини таъкидламоқда. Бу эса ўз навбатида компаниялар молиявий аҳволининг ёмонлашувига олиб келади.

## КАШАНДАЛАРГА ҚАРШИ ВАКЦИНА

**«Weill Cornell Medical College» мутахассислари чекишга қарши вакцина яратдилар.**

Энди кашандалар ўзларининг бу ёмон одатидан бир марта эмлаш орқали қутуладилар. Ушбу янги вакци-

на инсон организмга тушгач, антиген ишлаб чиқара бошлайди. Бу эса мияга никотин сўрилишини 85 фоизга камайтиради. Олимларнинг фикрича, бу дори препараты чекишни ташлашни истаган миллионлаб кишиларга ёрдам беради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, 2030 йилга бориб тамаки маҳсулотларини ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш оқибатида ҳар йили камида саккиз миллион одам ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

## ЧИЛИМДАГИ ЗАҲРИ ҚОТИЛ

**Буюк Британия Кардиология жамғармаси мамлакатда чилимхоналар оммалашиб бораётганидан ташвишга тушмоқда, деб хабар беради РАТА-ТАСС.**

Бу мамлакат ёшлари орасида юрак хасталиклари сонининг ошишига сабаб бўлаётир. Тиббиёт мутахассисларининг сўзларига кўра, бир соат ичида чекиладиган чилимнинг бир бўлаги юзта сигаретга тенг. Айни вақтда чилимхоналар сонини қисқартириш, чекишга қарши қатор чора-тадбирларни амалга ошириш борасида иш олиб борилмоқда.

## Саломатлик – туман бойлик

### ФАСТ-ФУДНИНГ ЗАРАРИ

**Аделаид университети олимларининг таъкидлашича, фаст-фуд маҳсулотлари болаларнинг ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.**

Текширув натижаларига кўра, витамин ва оқсилларга бой маҳсулотларни тез-тез истеъмол қилувчи болаларнинг ақлий салоҳияти тенгқурларига нисбатан саккиз йилга илдамлаб кетар экан. Тезпишар таом саналмиш фаст-фудни мунтазам истеъмол қилган болаларда эса бу кўрсаткич аксинча, беш-олти йилга пасаяди.

Шунга қарамай, фаст-фуд маҳсулотларини севиб истеъмол қилувчилар сони тобора ошмоқда. Маълумотларга қараганда, ана шундай тезпишар таомлар қироли бўлмиш «McDonald's» даромади жорий йилнинг шу давригача беш фоизга кўтарилган. 2012 йилнинг охирида мазкур компаниянинг соф даромади 28,43 млрд АҚШ долларига етади.

Қарий олтмиш йилдан буён хўрандаларни лаззатли, тезпишар таомлари билан хушнуд этаётган «McDonald's»нинг дунёнинг юздан ортиқ давлатларида ресторан тармоқлари фаолият юритмоқда.

**ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.**

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ҲУҚУҚ  
СОЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД КУРБОНБЕКОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш.,  
Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
тел. 283-44-57

E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru  
www.norma.uz

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Norma maslahatchi» да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ

босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс – 186 Буюртма 436 Адади 2 780. Баҳоси келишилган нархда

Газета 2012 йил 27 августда соат 15.00 да топширилди.

ISSN 2010-5223